

шСаудия Арабистони- Риёз

*Раёва маҳалласи диний*

*тарғибот идораси*

2009-1430

islamhouse.com

# **Риёзус-солиҳин дарслари**

## **Таҳорат фазилати ҳақидаги боб. (2)**

[ Ўзбекча ]

**Абу Абдурахмон Насафий**

**Мухарир: Шамсиддин Дарғомий**

*islamhouse.com* нинг барча маълумотларини нашр қилиш ҳуқуқи чекланмаган.

## Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

### باب فضل الوضوء

(الجزء الثاني)

### Таҳорат фазилати ҳақидаги боб

(давоми)

Алҳамду лиллаҳи ваҳдаҳ вассолату вассаламу ала ман ла набийя баъдаҳ

وعنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم أتى المقبرة فقال : السلام عليكم دار قوم مؤمنين، وإنا إن شاء الله بكم لاحقون، وددت أنا قد رأينا إخواننا قالوا : أو لسنا إخوانك يا رسول الله ؟ قال : أنتم أصحابي، وإخواننا الذين لم يأتوا بعد قالوا : كيف تعرف من لم يأت بعد من أمتك يا رسول الله ؟ فقال: أرأيت لو أن رجلاً له خيلٌ غرٌّ محبٌ لهُ بين ظهري خيلٍ دهمٍ بهمٍ، ألا يعرف خيله ؟ قالوا : بلى يا رسول الله، قال: فإنهم يأتون غراً محجلين من الوضوء، وأنا فرطهم على الحوض رواه مسلم.

Яна Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабристонга келиб: "Ассалому алайкум эй мўмин қавмлар жамоаси! Бизлар Оллоҳ хоҳласа, сизларнинг орқаларингиздан эргашиб борурмиз. Биз биродарларимизни кўришимизни хоҳлардим!"-дедилар. Саҳобалар: Биз сизнинг биродарларингиз эмасми?-дейишган эди. "Сизлар менинг саҳобаларим, биродарларимиз эса ҳануз келишгани йўқ."-дедилар. Улар: Эй Расулуллоҳ! Умматингиздан ҳануз келмаган кишиларни қандай танийсиз?-дейишганда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Агар бирон кишининг пешонаса оқ қашқали, оёғи оқ холли оти қоп-қора отларни орасида бўлса, уни танимайдими?"-дедилар. Саҳобалар: "Эй Расулуллоҳ! Албатта танийди"-дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Менинг умматим таҳорат сабабли юзлари ва кўл-оёқлари оппоқ нурли бўлган ҳолда келадилар, мен эса Ҳавзга улардан олдин бориб тураман."-дедилар. (Муслим ривояти)

**Шарҳ:**

Ушбу ҳадис ҳам олдин ўтган ҳадислар сингари таҳоратнинг фазилатига далолат қилиш билан биргаликда қабрларни зиёрат қилган вақтда нима дейишлик керак эканлиги, Пайғамбаримизни кўрмасдан у зотга иймон келтирган мўминларнинг фазилати ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг охиратдаги Ҳавзларини зикрини ҳам ўз ичига олган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар эндигина мусулмон бўлган пайтларида қалблари қабрларга боғланиб, улардан фитналаниб қолмасликлари учун аввалига қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдилар. Кейинроқ эса, иймон уларнинг қалбларидан мустаҳкам жой олгач: “Сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим, энди зиёрат қилаверинглар, чунки у сизларга охиратни эслатади”,-деб, зиёрат қилишга буюрдилар. Чунки мусулмон киши қабрларни зиёрат қилганда, унга кечагина у билан бирга ер устида еб-ичиб, ўйнаб-кулиб юрган суюкли ёру-биродарлари, бағрига босиб эркалатадиган жондан азиз ота-онаси каби кимсалар бугунги кунда ер остида, қоп-қоронғи қабрлар ичида танҳо ўзлари ётганлигини ва улар қилган амаллари учун гаровга қўйилганликларини эслатади, ва бу билан унинг қалби юмшайди, кўз олдига қиёмат ва унда рўй берадиган воқеалар гавдаланади ва ўзининг охират кунига тақдим қилган амалларининг нақадар оз эканлиги ҳақида фикр юритиб, янада солиҳ амалларни кўпроқ қилишга ва Оллоҳ таъолонинг бандаларига зулм-ситама қилмасликка ундайди. Ҳолбуки тонгда биз билан салом-алик қилган баъзи инсонлар кечга бориб, улар учун қачонлардир қазиб қўйилган икки энлик, қоронғи бир чуқурдан ўз жойларини эгаллашлари, шунингдек кечаси биз билан сўхбатлашиб, гўёки ўзини жуда узоқ умр кўрадигандек тасаввур қилган баъзи ёру-биродарларимиз тонгга келиб оёқ-қўлларини ўзлари қимирлата олмайдиган жонсиз мурдага айланиб қолишлиги бизларга биз ҳам бир кун келиб, шуларнинг ҳолига тушишимизни ва ўшанда бизга ҳам фақат қилган амалларимизгина ҳамроҳ бўлишлигини эслатишга кифоя қилмайдими?! Шундай экан кўпроқ қабрстонларни зиёрат қилиб, қабр эгаларига салом беришимиз ва уларнинг ҳақларга дуойи-хайрлар қилиб туришимиз керак бўлади, тойинки ўлимни ва охиратни ёдимиздан чиқариб қўймайлик. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдек муборак зот ўзлари "Бақеъ" қабристонига тез-тез чиқиб, қабр эгаларига салом бериб турар эдилар. Ҳадисдаги "...дора " калимаси "ҳовли эгалари" ёки "жамоат" ёки "манзил" маъносида келган. Уламолар ўлим ҳақиқат бўлатуриб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам нима учун: "...Оллоҳ хоҳласа,..."-деганликларида ихтилоф қилишиб, бир неча қавлларни зикр қилишган экан. Шу қавллардан энг кучлироғи бу иборадаги "иншооллоҳ"-деб қилинган истисно шакл учун эмас, балки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу сўзни табаррук қилиб ва Оллоҳ таъолонинг: " Ва бирон нарса ҳақида: «Мен албатта эртага қилгувчиман», дея кўрманг, магар «Иншооллоҳ, Оллоҳ хоҳласа» (денг. Бу сўзни айтишни) унутиб қолдирган вақтингизда (ёдингизга тушиши билан) Парвардигорингизни зикр қилинг (яъни, «иншооллоҳ», денг) (Каҳф: 23-24) "-деган бўйруғига бўйсуниб айтганликларидир.

Иккинчиси: Бу сўзловчининг ўз гапини безатиб айтадиган одати.



Қози Иёз: " ( مَحْوِ الْخَطَايَا ) яъни гуноҳлар ўчирилиши уларнинг кечирилишидан киноя. Яна гуноҳларнинг номаи-аъмолдан ўчирилишига ҳам эҳтимоли бор. У ҳолда бу гуноҳларнинг кечирилишига далил бўлади."-деган эканлар. ( وَرَفَعِ الدَّرَجَاتِ ) яъни даражаларни оширилишидан мақсад Жаннатдаги манзилларнинг баланд қилиниши экан.

( وَاسْبَاغِ الوُضُوءِ ) таҳоратни тўла-тўқис қилиш дегани. ( الْمَكَارِهِ ) яъни қийинчиликлар – дегани. Бу эса қаттиқ совуқ ва бадандаги хасталик каби нарсалар орқали бўлади. Лекин илиқ сув бўлатуриб, ажрим кўпайсин деб, атайлаб совуқ сув билан таҳорат қилиш ёки масжидга яқин йўл бўлатуриб, узок йўлдан боришлик машруъ ибодат эмас экан.

( كَثْرَةَ الخَطَا ) яъни кўп қадам ташлаб бориш уйнинг масжиддан узоклиги ва тез-тез унга бориб туриш маъносида келган. (Саҳиҳ Муслим, Нававий)

( اِنْتِظَارِ الصَّلَاةِ بَعْدَ الصَّلَاةِ ) яъни намоз сўнгидан намоз кутиб туришдан мақсад унинг вақтини ёки жамоатини кутиб туриш. Муслмон киши намозни танҳо ёки жамоат билан бирга ўқигандан сўнг масжидда ё уйида уни кутиб ўтиришлик билан фикри машғул бўлиши, ёки қўли ишдаю, қўнгли намозда бўлиши намоз сўнгидан намоз кутиб туришининг катта аломатидир. (Тухфатул-Аҳвазий) ( فَذَلِكُمُ الرَّبَّاطُ فَذَلِكُمُ الرَّبَّاطُ ) яъни бу тарғиб қилинган риботдир. Рибот аслида бир нарсага ўзини боғлаб қўйиш дегани, гўёки намозхон ўзини мана шу ибодатга боғлаб қўйгандек. Яна бунинг энг афзал рибот ёки енгил ва осон рибот деган эҳтимоллари ҳам бор. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу сўз аҳамиятли ва диққатга сазовор бўлганлиги учун такрорлаб айтдилар. (Саҳиҳ Муслим, Нававий) Қисқаси ушбу ҳадисда санаб ўтилган барча ибодатларга бепарво қарамасдан номаи-аъмолларимизни ажру-савоблар билан тўлдиришга катта аҳамият беришимиз керак бўлади. Оллоҳ таъолодан ҳаммамизни ўзи севадиган ва ўзи рози бўладиган амалларга муваффақ қилишини сўраймиз.

وعن أبي مالك الأشعري رضي الله عنه قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : الطهور شرط الإيمان رواه مسلم.

وقد سبق بطوله في باب الصبر. وفي الباب حديث عمرو بن عبسة رضي الله عنه السابق في آخر باب الرجاء، وهو حديث عظيم؛ مشتمل على جمل من الخيرات.

Абу Молик ал-Ашъарий розияллоху анху ривоят қилиб, айтишларича Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: "Таҳорат иймоннинг ярмидир."-деган эканлар. *(Муслим ривояти)* Бу ҳадис "Сабр боби"да тўлиғича зикр қилинди. Ва бу бобда яна "Боб ар-ражоб"да ўтган Амр ибн Абсанинг ҳадиси ҳам бўлиб, у кўплаб яхшиликларни ўз ичига олган буюк ҳадисдир.

### Шарҳ:

Нававий роҳимаҳуллоҳ: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг: "Таҳорат иймоннинг ярмидир."-деган ҳадисларига уламолар бир неча хил маънолар беришган."-дейдилар. Булар қўйидагича:

1. Таҳоратдаги ажрнинг зиёда бўлиши иймон ажрининг ярмига етади.
2. Иймон ўздан олдинги гуноҳларни кесиб юборади шунингдек таҳорат ҳам, лекин таҳорат иймонсиз дуруст бўлмайди. Шу жиҳатдан таҳорат иймоннинг ярмига ўхшаб қолиши мумкин.
3. Оллоҳ таъоло Бақара сурасида: "Оллоҳ иймонларингизни *(яъни, иймон билан ўқиган намозларингизни)* зое қилгувчи эмас."*(Бақара: 143)*-деб айтганидек, бу ҳадисдаги иймон сўзи ҳам намоз маъносида келган. Таҳорат эса намоз дуруст бўлиши учун шарт, шу сабабли худди иймоннинг ярмига ўхшаб қолди, лекин "шарт" калимаси ҳақиқий ярим бўлиши лозим эмас. Ушбу маъно қавлларнинг энг ҳадис маъносига яқинроғи.
4. Иймоннинг маъноси қалб билан тасдиқ қилиш ва зоҳирда бўйсунуш дегани, бу эса иймоннинг икки бўлаги, таҳорат эса намоз мазмунини ўз ичига олади ваҳоланки намоз зоҳирда бўйсунушдир. "Ан-Ниҳоя" китобида: Бундай бўлишининг сабаби, чунки иймон ички нажосатни поклайди, таҳорат эса, ташқи нажосатни поклайди,-дейилган экан. *(Саҳиҳ Муслим шарҳи, Нававий, Тухфатул-Аҳвазий ва Сунани Насоийнинг Синдий ҳошияси билан қилинган шарҳ)*

وعن عمر بن الخطاب رضي الله عنه عن النبي صلى الله عليه وسلم قال : ما منكم من أحدٍ يتوضأ فيبلغ - أو فيسبغ الوضوء - ثم قال : أشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له، وأشهد أن محمداً عبده ورسوله؛ إلا فتحت له أبواب الجنة الثمانية يدخل من أيها شاء رواه مسلم.

وزاد الترمذي: اللهم اجعلني من التوابين واجعلني من المتطهرين.

Умар ибни Хаттоб розияллоху анху ривоят қилишларича Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: "Қайси бирларингиз таҳоратни комил қилиб, сўнг: Ашҳаду анла илаҳа иллаллоху ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ, ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расувлуҳ-деса, унга Жаннатнинг саккиз эшиги очилади. Ҳолбуки у бу эшиклардан хоҳлаганидан киради."-деган эканлар. *(Муслим ривояти)* Имом Термизий ушбу дуодан сўнг:

"...аллохуммажъалний минаттаввабийна важъалний минал мутатоххирийн..."-деган дуони зиёда қилиб, ривоят қилганлар.

**Шарх:**

Оллоҳ таъолонинг бизга берган неъматларию, қилган эҳсонларини санаб, саноғига етиб бўлмайди. Бунинг учун унга беадад ҳамду-санолар бўлсин! Ислон уммати барча умматларнинг энг охиргиси бўлиб, уларнинг яшайдиган умри бошқа умматларникидан қисқа бўлишига қарамасдан Оллоҳ уларга шундай кўп фазлу-эҳсонлар қилганки, мана шу эҳсонларидан бири уларнинг озгина қилган амалларига ўлкан ажру-савоблар берилишидир. Ушбу ҳадисда ҳам ўшандай ўлкан савоблар бериладиган амаллардан бири зикр қилинмоқда. Ҳадисда айтилишича мусулмон кишининг қилган енгилгина амалини олқишлаб, Жаннатнинг саккиз эшиги очилади, лекин у кўпроқ қилиб танилган амал эшигидан киради. Чунки жаннат эшиглари санокли бўлиб, улар муайян амал эгалари учундир. *(Сунани Насоийнинг шарҳи, Синдийнинг ҳошияси)* Ҳадисдаги дуоларнинг маъноси кўйидагича: "Ёлғиз ва шериксиз Оллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг бандаси ва элчи-пайғамбари эканлигига гувоҳлик берман. Парвардигоро! Мени кўп тавба қилгучи ва покиза бандаларингдан қилгин."

## ﴿ دروس رياض الصالحين ﴾

### باب فضل الوضوء (2)

« باللغة الأوزبكية »

أبو عبد الرحمن النسفي

مراجعة: شمس الدين درغامي

حقوق الطبع والنشر لعموم المسلمين